

УДК: 616.98 053.2

**ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ХАЛҚ ТАБОБАТИ ЁРДАМИДА ДАВОЛАШ**

Холов Ёкуб Давронович, Толибова Зевар Ҳожиевна, Каршиева Диловар Рустамовна  
Бухоро Давлат Университети, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

**ЛЕЧЕНИЕ ЗАБОЛЕВАНИЙ ВЕРХНИХ ДЫХАТЕЛЬНЫХ ПУТЕЙ С ПОМОЩЬЮ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ**

Холов Ёкуб Давронович, Толибова Зевар Ҳожиевна, Каршиева Диловар Рустамовна  
Бухарский государственный университет, Республика Узбекистан, г.Бухара

**TREATMENT OF THE UPPER BREATH WAYS WITH THE AID OF PEOPLE MEDICINE**

Kholov Yoqub Davronovich, Tolibova Zevar Hojiyevna, Karshiyeva Dilovar Rustamovna  
Bukhara State University, Respublik of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: [yoqub\\_80@mail.ru](mailto:yoqub_80@mail.ru)

**Аннотация.** Уибу мақолада юқори нафас йўллари касалликларни халқ табобати ёрдамида даволаш, организм иммун тизимини ошириши, нафас олини органларининг фаолиятини яхшилаши ва касалликларни табиий доривор ўсимликлар ёрдамида даволаш мумкинлиги тўғрисида маълумот берилган.

**Калим сўзлар:** респиратор, эпидемия, пандемия, пневмония.

**Abstract.** This article provides information on the treatment of upper respiratory tract diseases using traditional medicine, improving the functioning of the respiratory system and treating diseases with natural medicinal plants.

**Key words:** respirator, epidemic, pandemic, pneumonia.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида тан олинадиган бўлди. Хужжат табибларни тиббиётнинг илғор ютуқлари билан таништириш, ўқитиш, хуллас, икки йўналишни уйғунлаштиришга хизмат қиласди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда турли дориворлару ноанъанавий усуулларда иш юритаётган табибларнинг сони 30 мингдан ошиб кетди. Республигадаги мавжуд 4250 дан ортиқ хусусий тиббиёт муассасаларнинг 516 тасида эса халқ табобати усууллари қўлланилмоқда. Ўзбекистон республикаси аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва соғлиқни саклаш энг муҳим вазифаларда бири ҳисобланади [2].

Ўткир респиратор яъни нафас йўллари вирусларининг инфекциялари ва ўткир нафас органлари касалликлари оддий халқ орасида “шамоллаш” деб аталувчи ҳар хил вируслар келтириб чиқарувчи хасталикларнинг катта гуруҳи бўлиб, ҳаво-томчи йўли билан (гаплашганда, йўталганда, аксирганда тарқалувчи) юқори ва юқори нафас йўлларини, умуман организмни заарлайди. Ўткир нафас органлари вируслари касалликлари грипп, гриппга ёндош касалликлар (парагрипп),

юқори нафас йўлларида яллиғланиш келтириб чиқарувчи инфекциялар, юқори нафас йўли-синситиал инфекциялар киради. Уларга ҳар хил кишиларнинг таъсирчанлиги турлича. Масалан, бемор билан мулоқотда бўлғанларнинг ҳаммаси эмас, балки кимнинг шу инфекцияга қаршилик кўрсатувчи иммунитети заиф бўлса, ўша заарланади. ОРВИ га кўпроқ болалар таъсирчанроқ бўладилар.

Грипп- бронхит ўпка тизимини заарловчи инфекциялар ичida кўпдан-кўп оғир асоратлар қолдирувчи энг оғир касалликлардан биридир. У юқори нафас йўлларининг ялпи умумий заҳарланиши ва заарланиши билан кечади. Кўпинча грипп эпидемия тарзида тус олади ва баъзан пандемия сифатида бутун мамлакатга, ҳатто қитъаларга тарқалади. У билан касалланиш, айниқса йилининг совук даврларида авж олади. Инфекция манбай- касал одам ҳисобланади. Гриппни халқона усуулда даволаш.

1. Тухум билан даволаш. Керак бўлади: 2 дона тухум сарифи, 3 ош қошиқда шакар. Тухум сарифи шакар билан оқаргунча қориштирилади. Йўталганда кунига 2 маҳал оч коринга қабул қилинади. Бу восита ҳар сафар янгидан тайёрланади.

2. Сок билан даволаш. Керак бўлади: 8 томчи саримсоқ соки, 1ош қошиқ сут. Сут саримсоқ соки билан аралаштирилиб, 45-50 даража ҳароратли сувда қиздирилади. 4-5 кун давомида кечқурун қабул қилинади. Керак бўлади: саримсоқнинг 3 дона тишчаси. Саримсоқ тишчалари тозалангач, яхшилаб майдаланилади ва устидан 0,25 стакан қайнаб турган сув қўйилади. Сўнг 1-1,5 соат тиндириб қўйилгач сузуб олинади. Дамламани совутгичда 2 кунгача сақлаш мумкин. Дамлама бурун тешикларига кунига 3 маҳал 2-4 томчидан томизилади.

3. Асал билан даволаш талаб этилади, саримсоқнинг 3-4 дона тишчаси, 2 қошиқ асал тозаланган саримсоқ тишчаларини майда қирғичдан ўтказиб, асал билан аралаштирилади. Кунига 2-3 маҳал 1 чой қошиқдан қабул қилиниб, устидан илик сув ичилади.

4. Доривор ўсимликлар билан даволаш. Талаб этилади: 1 ош қошиқдан арпабодиён уруғи, дорихона укропнинг уруғи, гулхайри япроғи, 2 ош қошиқ наврӯзгул илдизпояси. Ушбу йигмадан 2 чой қошиқ майдаланганининг устига 1 стакан қайноқ сув қўйилиб, паст оловда 5-7 дақиқа қайнатилади, сўнг 45 дақиқа тиндириб қўйилади, сузуб олинади. Қайнатма кунига 3 маҳал ярим стакандан иссик ҳолда ичилади.

Талаб этилади: 3 ош қошиқ гулхайрининг қуриган илдизи. Майдаланг гулхайри илдизи устига 3 стакан совутилган қайнаган сув қўйилиб, 10-12 соат қўйиб қўйилади, сўнгра сузуб олинади. Дамлама кунига 3 маҳал 0,25 стакандан ичилади.

Талаб этилади: 2 ош қошиқ кўка (мат-и-мачеханинг) қуритилган барги, 1 ош қошиқ асал. Барг устига 1 стакан қайноқ сув қўйилади. 2-3 дақиқадан сўнг дамлама сузуб олинади. Унга асал қўшилади. Дамлама 2-3 кун давомида ҳар 2-3 соатда бир ош қошиқдан ичип турилади.

Керак бўлади: 1 чой қошиқдан маймунжон барги, кўка (мат-и-мачеха) барги, жўка (липа) гули. 2 чой қошиқ йигма устига 1 стакан қайноқ сув қўйилади. Ўн дақиқа қўйиб қўйилгач, сузуб олинади. Овоз бўғилиб колганида ҳа 2-3 соатда иссик дамлама озгина-озгина ҳўпламдан ичилади. Илик дамлама билан кунига 3-4 маҳал томокни чайса ҳам бўлади.

Керак бўлади: 2 ош қошиқдан оддий тограйҳон гиёҳи, малина меваси, кўка (мат-и-мачеха) барги. Ушбу йигмадан 2 ош қошиқни термосга солиб, устидан 2 стакан қайноқ сув қўйилади, 40-60 дақиқа қўйиб қўйилгач, сузуб олинади. Дамлама илик ҳолда кунига 3 маҳал овқатланишдан ярим соат олдин стакандан ичилади[2].

Ишхона ва жамоат жойларида: Ходимлар оғизларига 4 қаватли дока ниқоб тутишлари керак, ниқоб ҳар куни ювилиб дазмолланиши лозим. Болалар муассасалари ва ўқув юртларининг

раҳбарлари шу муассасаларида грипп билан касалланиш аҳволидан хабардор бўлишлари, зарур бўлган вактда карантин тадбирларини ўтказиш керак. Грипп эпидемияси пайтига оиласдан тортиб иш жойида, айниқса, муассасаларида грипп билан касалланганларнинг аҳволидан хабардор бўлишлари, йўловчи ташувчи барча турдаги транспорт воситаларида хлораминнинг 0,5 % эритмаси ёрдамида заарсизлантириш ишлари олиб борилади[3].

Паратгрипп-ўткир нафас йўли вируслари касаллиги бўлиб, хасталикни кечиши гриппни эслатсада, бироқ ундан камроқ заҳарланиб, касалликнинг кўпроқ давом этиши ва юқори нафас йўлида, айниқса ҳиқилдоқдаги ўзгаришларнинг яқъол ифодаланиши билан фарқланади. Паратгрипп билан кўпинча болалар касалланади. Касалланиш аста-секин бошланади. Беморни тумов, куруқ йўтал, томокда оғриқ ва қичишиш безовта килади, овоз бўғилади. Парагрипп билан оғриганда одатда тана ҳарорати 38 даражадан ошмайди. Беҳоллик, бўшашганлик, тинка-мадори қуриганлик, боз оғриши ва суст харакат кузатилади. Касаллик суст ва анча узоқ кечади. Катталар паратгриппни болаларга нисбатан енгилроқ ўтказадилар.

Сок билан даволаш, керак бўлади: 100мл дан сабзи ва турп соки, 2 чой қошиқ асал. Сокларни аралаштириб, асал қўшилиб, тайёр аралашма яхшилаб қоришилариди. Йўталда ҳар соатда бир ош қошиқдан истеъмол қилинади.

Асал билан даволаш, керак бўлади: ало-энинг бир дона йирик барги, 100 гр асал. Асал ярим стакан қайнатилган илик сувда эритилади, унга майда тўғралган алоэ барги қўшилади. Аралашмани суст оловга қўйиб, қайнаш даражасига етказилади ва тинмай аралаштирган ҳолда 30-40 дақиқа қайнатилади. Қайноқ аралашма сузуб олинади. Йўтал кунига 3 маҳал овқатланишдан олдин 1 ош қошиқдан (болалар -1чой қошиқдан) қабул қиласидилар.

Доривор ўсимликлар билан даволаш, керак бўлади: 5 ош қошиқ қуритилган маймунжон барги. Баргларни яхшилаб майдалаб, устига 3 стакан қайнатилган илик сув қўйилади ва паст оловда 8-10 дақиқа қайнатилади. Сўнг 40-60 дақиқа қўйиб қўйилгач, сузуб олинади. Қайнатма кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

Керак бўлади: 1 ош қошиқдан наъматак гули, мойчечак (ромашка) гул тўдаси черника барглари, жўка (липа) гули ва таъбга яраша асал. 1 ош қошиқ йигма устига 1 стакан қайноқ сув қўйилади ва суст оловга қўйилиб қайнаш даражасига етказилади 1-2 дақиқа давомида қайнатилгач, сузуб олинниб асал қўшилади. Кунига 2-3 маҳал 1 стакандан ичилади.

Керак бўлади : 3 ош қошиқ қуритилган малина меваси. Мева устига 2 стакан қайноқ сув

куйилиб, суст оловда ўн дақықа пиширилади. Қайнатма 3-3,5 соат қўйиб қўйилгач, сузib олиниади. Кунига 2 маҳал 1 стакандан ичилади.

Керак бўлади: 0,5 стакан арпабодиён уруги, 1 ош қошиқ конъяқ, 0,25 стакан асал. Арпабодиён уругини сирланган идишга солиб, устидан 1 стакан илиқ қайнатилган сув қўйилади, 15 дақиқа суст оловда қайнатилгач, 2-2,5 соат қўйиб қўйилади. Сўнгра сузib олиниб, асал қўшилади. Аралашмани асал эриб кетгунча қориштирилгач, коняқ қўшилади. Дори кунига 7-8 маҳал 1 ош қошиқдан қабул қилинади.

Пневмония (юонон тилидан рпемопон-“ўпка”, sin-ўпка яллиғланиши)- ўпканинг респиратор бўлимларидағи яллиғланиш жараёни бўлиб, алоҳида касаллик ёки бирор бир касалликнинг асорати сифатида кузатилади. Пневмония билан касалланиш бир ёшгача бўлган болалар орасида 1000 болага 10-15 тани, 1-3 ёшгача бўлганларда 1000 болага 15-20 та ва 5 ёшдан сонг 1000 болага 5-6 та тўғри келади. Уй шароитида касалланган бойдан 5 ёшгача бўлган болаларда пневмониянинг энг кўп тарқалган қўзғатувчиси- пневмококк (*Streptokokus*) ва гемофил таёқчаси ҳисобланади. Эпидемик мавсумда (август-ноябрь) эрта ёщдаги, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда Микоплазма пневмания аҳамияти юқори бўлади. Ўсмир ёшда Хламидия пневмания касалликни сабабчи омили бўлиши эҳтимолини унутмаслик керак.

Ҳар қандай касалликка чалинишни олдини олиш учун инсон соғлом турмуш тарзига амал қилиши зарур. Соғлом турмуш тарзи нафақат тиббий-биологик фаолият, балки жисмоний ва маънавий эҳтиёжларнинг оқилона қондирилиши, инсоннинг шахсий маданияти ва таълимининг шаклланишидир [5]. Соғлом турмуш тарзи – инсон турмуш шароитларини фаол ўзлаштириш

усули бўлиб, кун тартибига риоя қилиш, фаол ҳаракат асосида организмни чиниктириш, спорт билан шуғулланиш, тўла ва сифатли овқатланишнинг гигиеник коидаларига риоя қилиш, мулоқот ва экологик маданиятга эришиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида маънавий тарбия олиш, заарли одатлардан ўзини тута билиш демакдир[4].

#### Адабиётлар:

- 1.Кўзиев И “Танангизда дард бўлса” - Тошкент: 2009.- 3 б
- 2.Каршиева Д.Р, Толибова З.Х “Жароҳатланган ва бемор болаларни парвариш қилиш” – Биология ва тиббиёт муаммолари №4.2 (115) 2019.- 229 б
- 3.Каршиева Д.Р “Камқонлик касаллиги ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари” - Бухоро илмий ахбороти 3/2015.- 36 б
- 4.Очилова Н.Р, Муратова Г.С, Шарафутдинова Р.И. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ўқув қўлланма – Тошкент: Наврӯз, 2019. -194 б
- 5.Толибова З.Х “Соғлом турмуш тарзи ва заарли одатлар” -Бухоро: 2018. -73 б

### ЛЕЧЕНИЕ ЗАБОЛЕВАНИЙ ВЕРХНИХ ДЫХАТЕЛЬНЫХ ПУТЕЙ С ПОМОЩЬЮ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ

Холов Ё.Д., Толибова З.Х., Каршиева Д.Р.

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о лечении заболеваний верхних дыхательных путей с помощью народной медицины, улучшении работы дыхательной системы и лечении заболеваний с помощью натуральных лекарственных растений.

**Ключевые слова:** респиратор, эпидемия, пандемия, пневмония.